

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбекистон металлургия комбинати”
Акциядорлик жамияти

Кузатув кенгаши аъзоси


Б.Х. Каримов
“16 сентябрь 2022” йил



“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”
Ўзбекистон Республикаси
Мадания вазирлиги

Вазир ўринбосари


О.Р.Исаев
2022 йил
М.Ў.



“ТАСДИҚЛАНГАН”
“BIZNES BAHOLASH” МЧЖ
Директор


С.Ф.Комолов
2022 йил
М.Ў.



ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Идентификация рақами берилди:

9	U	1	1	4	P	0	1	4	8	T	0
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 5000 сўм бўлган 1 933 111 дона эгасини номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар.

Қўшимча чиқариладиган акциялар ёпик обуна усулида жойлаштирилади.
Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ўн тўртинчи чиқарилишдир.

Жамият Кузатув кенгашини 2022 йил 16 сентябрдаги мажлиси қарорига асосан акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланган (14-сонли баённома).

Жамият Кузатув кенгашини 2022 йил 16 сентябрдаги мажлисида қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган (14-сонли баённома).

Эмитент жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари, электрон почта манзили: 110502, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1-уй. тел.: +998 70 214-14-23, info@uzbeksteel.uz.

Эмитент раҳбари в.в.б.



Д.Т.Ахмедов

Ғ.А. Ибрагимов

16 сентябрь 2022 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий.

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: хужжатсиз.

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 5000 (беш минг) сўм.

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 1 933 111 (бир миллион тўққиз юз ўттиз уч минг бир юз ўн бир) дона.

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 9 665 555 000 (тўққиз миллиард олти юз олти миш беш миллион беш юз эллик беш минг) сўм.

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Жамият оддий акциялари эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, бундан қонунчиликка асосан жамият сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ношижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эстимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сугурта қилиш.

Акциядорлар қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олиншига нисбатан жамият уставидagi ва ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 2 323 079 000 000 (икки триллион уч юз йигирма уч миллиард етмиш тўққиз миллион) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Жами 464 615 800 (тўрт юз олти миш тўрт миллион олти юз ўн беш минг саккиз юз) дона акциялар, жумладан: 454 645 180 (тўрт юз эллик тўрт минг олти юз қирк беш минг бир юз саксон) дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги оддий акциялар ва 9 970 620 (тўққиз миллион тўққиз юз етмиш минг олти юз йигирма) дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги имтиёзли акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): 10 000 (ўн минг) дона, номинал қиймати 5 000 000 (беш миллион) сўм бўлган, умумий қиймати 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм хужжатсиз шаклдаги фойзли эгасининг номи ёзилган корпоратив облигациялар.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Чиқарилаётган акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 30 кун муддатда жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги кун.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – мазкур чиқарилишининг сўнги акцияси жойлаштирилган сана, бироқ ушбу кун давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб 30 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Мазкур чиқарилишдаги акциялар қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) бозорида тўғридан-тўғри фуқаровий-ҳуқуқий битим тузиш йўли орқали жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлик фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Акцияларни сақлаш ҳамда акциялар бўйича реестрни шакллантириш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Тўлик фирма номи – Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси. Жойлашган жойи ва почта манзили: 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107 уй, 3 қават, телефон: +998 (71) 267-37-42, факс: +998 (71) 267-37-42. Электрон манзили: info@deponet.uz, расмий веб-сайти www.deponet.uz.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар 7 000 сўмдан жойлаштирилади. Ушбу нарх кўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кун ҳолатига котировка нархларидан келиб чиқиб кузатув кенгаши томонидан белгиланган.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Мазкур чиқарилишдаги акциялар учун тўлов сифатида Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сайхун МФЙ, Ёркин кўчаси, 27-уй манзилида жойлашган ўқув биноси (собик Бекобод саноат касб хунар коллежи биноси)ни тегишли ҳудуди билан биргаликда баҳолаш қийматида топшириш қабул қилиш далолатномаси қабул қилинган.

Ушбу актив мустақил баҳоловчи ташкилот “BIZNES BAHOLASH” МЧЖ томонидан баҳоланган.

Баҳоловчи ташкилот тўлик ва қисқартирилган номи:

“BIZNES BAHOLASH” Маъсуляти чекланган жамияти;

“BIZNES BAHOLASH” МЧЖ.

Жойлашган жойи: Тошкент шаҳар, Сайхун кўчаси, 172-уй, 14-хонадон.

Баҳоловчи ташкилотнинг профессионал жамоат бирлашмасига аъзолиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва берилган санаси: “BIZNES BAHOLASH” МЧЖ – бизнесни баҳолаш (ДМҚнинг 22.12.2020 йилда берилган лицензия серияси BL 003, рақами 0014).

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун тўлов воситаси акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган кундан бошлаб, 5 (беш) иш куни ичида ўрнатилган тартибда қайтарилади.

Жамият бу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумотни (қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга олмаган деб топилган 28-сонли муҳим факт) Жамиятнинг

расмий веб-сайтида (uzbeksteel.uz), “Тошкент” РФБнинг расмий веб-сайтида (uzse.uz) ва Корпоратив ахборотларнинг ягона порталида (openinfo.uz) ўрнатилган тартибда эълон қилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (25-сонли муҳим факт) акциялар чиқарилиши давлат рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган муддатда Жамиятнинг расмий веб-сайтида (uzbeksteel.uz), “Тошкент” РФБнинг расмий веб-сайтида (uzse.uz) ва Корпоратив ахборотларнинг ягона порталида (openinfo.uz) эълон қилинади.

13. Бошқа маълумотлар: Кўзда тутилмаган.

ОМБИНАТ.

АО

Прошито, пронумеровано и скреплено
печатью 5 (пять) листов

Должность Председатель правления

П Ахмедов Р.Т.



ЎЗБЕКИСТОН

Ў.ЎЗБЕКИСТОН